O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 24 ноябрь, № 229 (4128) Жума

«ЯНГИ АВЛОД – 2006»:
ИСТЕЪДОДЛАР ПАРВОЗИ

Пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Янги авлод – 2006» Республика болалар ижодиёти фестивалининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.



Муҳташам саройга ўқувчи-ёшлар, юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, серфарзанд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, педагоглар, санъаткорлар таклиф этилдилар. Ўзига хос санъат байрамига айланган мазкур тадбир нафақат болалар, балки фарзанди, ўқувчиси ва шогирдининг ижод оламида эришаётган ютуқларидан қалби қувончга тўлган ота-оналар, устоз-мураббийлар учун ҳам қувончли шодиёна бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ёш авлоднинг таълим-тарбияси масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланди.

(Давоми 2-бетда).

ФЕРМЕРЛИК РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳли ҳаётини яхшилаш, уни янги босқичга кўтариш, қишлоқда яшовчиларнинг меҳнати ва турмушини енгиллаштириш масалалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари – фермерлар ва уларнинг ходимлари ўртасидаги меҳнат муносабатларини такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир.

Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг шу йил 22 ноябрда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида бўлиб ўтган сайёр мажлиси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг иш берувчилар (фермерлар) билан ишловчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий меъёрларининг Тошкент вилоятида бажарилишига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотлар пойтахт вилоятида ҳам ўз самарасини берди. Сўнгги йилларда вилоятда фермер хўжаликлари сони анча кўпайди. Улар ҳукумат мадади билан тобора мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда.

Фермер хўжаликларининг янада кенгайиши уларнинг қўшимча замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналар сотиб олишини, мутахассислар ва ишчи кучини жалб этишини зарур қилиб қўймоқда.

Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Фермер хўжаликлари уюшмаси мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи Тошкент вилоятининг қишлоқ туманларига бориб, меҳнат шартномаларини расмийлаштириш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, ижтимоий имтиёзлар ва тўловларни таъминлаш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси нормаларига риоя этиш амалиётини ўрганди.

Вилоятнинг Янгийўл, Бўка, Ўрта Чирчиқ туманлари фермер хўжаликларида бу масалаларда мамлакатнинг кўпгина фермер хўжаликларига хос камчиликларга йўл қўйилган. Масалан, Янгийўл туманидаги "Файруза", Бўка туманидаги "Ғофиржон" ва "Мақсуд Даврон" фермер хўжаликларида ходимлар билан меҳнат шартномалари оғзаки тузилган, мавжуд шартномаларни томонлар имзоламаган ва улар фақат фермерларда сақланади. Янгийўл туманининг "Севинч туйғуси", "Ҳуснидин" хўжаликларида иш ҳақи меҳнат битимларида кўрсатиб қўйилмаган. Ўрта Чирчиқ туманининг "Коре-паприка", "Азамат", "Ҳаёт ўғли Фарҳоджон" хўжаликларида эса иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун фермер хўжалигининг ходимлари прокуратурага мурожаат қилишга мажбур бўлишган.

Сенат Қўмитасининг аъзолари кўрсатиб ўтилган камчиликларни муҳокама қилиб, хўжалик юритишнинг ҳозирги хусусияти фермер хўжалиги раҳбаридан катта шахсий масъулиятдан ташқари бухгалтерия, агрономия, муҳандислик, юриспруденция каби кўпгина фаолият соҳаларида муайян билимларга эга бўлишни талаб қилаётганлигини ва бу масалаларда фермерларга амалий ёрдам кераклигини таъкидладилар. Фермер хўжалиги билан унинг ходимлари ўртасидаги меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларида ёрдам зарурлиги айниқса сезилмоқда.

Сайёр йиғилишда сенаторлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Фермер хўжаликлари уюшмаси, тармоқ касаба уюшмаларининг раҳбарлари, депутатлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва бошқалар иштирок этдилар.

Қўмита мажлисида айрим вазирлик ва идоралар зиммасига "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 29-моддасига мувофиқ фермерларга ҳуқуқий билимларини такомиллаштириш масалаларида услубий ёрдам бериш, жойларда фермерларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув марказлари, курслар ва семинарлар ташкил этиш вазифаларини юклайдиган қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 22 ноябрь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия Раиси Мирзаулуғбек Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига асосан айрим сенатор ва Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Комиссия Фарғона вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг 2006 йил 17 ноябрь куни бўшаб қолган ўринга бўлиб ўтган Сенат аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси баённомасини кўриб чиқиб, Фарғона вилояти ҳокими Абдуҳошим Абдуллаевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутатлик ваколати тугатилганлиги муносабати билан Сайдулла Бегалиевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига аъзолик ваколати муддатидан илгари тугатилди.

Бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари Ҳаётхон Каримов ва Акром Алимовнинг ваколатлари ўз аризаларига биноан муддатидан илгари тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 47-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига асосан Бухоро вилоятидаги 25-Ибн Сино, Тошкент вилоятидаги 75-Зангиота, Фарғона вилоятидаги 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловини 2006 йил 24 декабрь, якшанба кунига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Комиссия мажлисда кўриб чиқилган бошқа масалалар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилди.

(ЎзА).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча қуйи палата Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил 9 ойидаги ижроси якунлари тўғрисидаги ҳисоботига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Бюджет ижросининг муҳокамаси

Қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этган ушбу йиғилишда молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ашрафхонов Давлат бюджетининг ўтган тўққиз ой мобайнидаги якунлари тўғрисидаги ҳисобот билан сўзга чиқди.

Жорий йилнинг 9 ойида таркибий ислоҳотлар кўламини кенгайтириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, мулкчиликнинг хусусий секторини мустаҳкамлаш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,3 фоизни ташкил қилди. Иқтисодий ўсиш инвестицияларнинг — 10 фоиз, саноат маҳсулотларининг — 10,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг — 7,1, савдонинг — 12,2, хизматлар кўрсатишнинг — 16,4 фоиз ўсиши ҳисобига таъминланди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

2006 йилнинг 9 ойи давомида Давлат бюджетининг даромадлари 3153,5 миллиард сўмни, харажатлар эса 3028,4 миллиард сўмни ташкил этиб, 125,1 миллиард сўм профицит билан ижро этилди. Ҳисобот даврида барча солиқ ва тўлов турлари белгиланган миқдорда бажарилди.

Ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатлари Олий Мажлис белгилаб берган йўналишлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Бюджет сиёсатида ижтимоий харажатларнинг устуворлиги тамойили янада кучайтирилди.

Соғлиқни сақлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимларини ислоҳ қилиш дастурларида кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш режали амалга оширилди.

Шунингдек, депутатлар иқтисодиётнинг реал секторида муайян камчиликлар борлигига тўхталиб ўтдилар. Яъни, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан айрим тармоқларда ишлаб чиқариш суръатлари ва фойда миқдорининг пасайганлиги, зарар билан ишлаётган корхоналарнинг борлиги тўлов интизомидаги заифликлар мавжудлигини эътироф этдилар. Шу билан бирга Давлат бюджетининг харажатлар қисмини тўлиқ молиялаштиришда узилишларга йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

КУВАЙТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Кувайт алоқа вазири Маъсума Солиҳ ал-Муборак хоним раҳбарлигидаги делегация 23 ноябрь куни қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари А.Парпиев билан мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида кўплаб соҳаларда, жумладан, таълим йўналишида ҳам ҳамкорлик ўрнатилгани қайд этилди. Бунда Президент Ислом Каримовнинг 2004 йилнинг январь ойида Кувайтга расмий ташрифи давомида эришилган аҳдлашувлар муҳим ўрин тутаётир.

Кувайт алоқа вазири билан бўлган учрашувда томонлар Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

Делегация, шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясида ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎзА).

Дунё нигоҳи

Алан ЖЕЙМС,
Буюк Британиядаги жаҳон мусиқаси халқаро фестивали директори:

— Юртингиз доимо ўзининг бой анъаналари ва маданияти билан ажралиб турган. Халқингиз ўзининг санъатга бўлган соф муҳаббатини йиллар оша авлоддан-авлодга етказиб бераётгани бизни ҳайратга солади. Кўҳна Самарқанд шаҳрида ўтказилувчи «Шарқ тароналари» фестивалида бажонидил иштирок этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловини тайинлаш тўғрисида

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 47-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бухоро вилоятидаги 25-Ибн Сино, Тошкент вилоятидаги 75-Зангиота, Фарғона вилоятидаги 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлови 2006 йилнинг 24 декабрь, якшанба кунига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси
М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 22 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосини рўйхатга олиш тўғрисида

"Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 58, 61-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг бўшаб қолган ўрнига сайлов бўйича 2006 йил 17 ноябрь куни ўтказилган Фарғона вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси баённомасига асосан Абдуҳошим Абдуллаевич Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин:

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи
1.	Абдуллаев Абдуҳошим Абдуллаевич	1950	Фарғона вилояти ҳокими	Фарғона шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси
М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 22 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон "диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар" деб аталмиш рўйхатга киритилгани мамлакатимиз кенг жамоатчилигида, беозор айтганда, таажжуб уйғотди. Бу ҳол Америка ташқи сиёсат маҳкамасининг дин ва эътиқод эркинлиги каби долзарб масалаларга бир томонлама ёндашишини ва "икки ёқлама стандартлар" бўйича иш тутишини яна бир бор намоён этади.

Эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ана шу оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистонда 18 диний конфессия, жумладан, ислом, насроний, яҳудо, католик ва бошқа динлар вакиллари аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб, ўзининг диний эътиқод амалларини эмин-эркин адо этиб келаётир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда динлараро, конфессиялараро, конфессиялар билан давлат идоралари ўртасида биронбир қарама-қаршилик ёки зиддият юзага келган ҳолат қайд этилмаган.

Кейинги вақтларда БМТ доирасида ўтказилаётган барча йирик халқаро конференция, семинар ва учрашувларда Ўзбекистоннинг динлараро ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш борасида эришган ютуқлари ҳар тарафлама эътироф этилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси айрим сиёсатчиларнинг, давлат арбоблари ва оммавий ахборот воситаларининг очиқдан-очиқ иғвогарликдан иборат ҳамда динлараро ҳамжиҳатликка раҳна солишга қаратилган андишасизларча ва мутлақо асоссиз уйдирмаларига нисбатан ҳар доим принципиал ва изчил позицияда бўлиб келган.

Бу, аввало, халқаро террорчиликни муқаддас ислом дини билан боғлашга уринишлар, Ғарб нашрлари "сўз эркинлиги" шиори остида юз миллионлаб мўминмусулмонларнинг миллий ғурури ва шаънини камситадиган ҳақоратомуз фикрларни тарқатгани каби фактларга тегишлидир.

Ўзбекистон ҳамиша бундай хатти-ҳаракатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаган ва шундай ҳисоблайди. Ўзбекистон томонидан Муҳаммад пайғамбарга (с.а.в.) карикатуралар нашр қилинганининг ҳамда Рим Папаси Бенедикт XVI ислом дини ҳақида масъулиятсизларча айтган гапларнинг қораланиши бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон ислом маданияти ва фалсафаси шаклланган ҳамда ривожланган марказлардан бири сифатида эътироф этилган. Биз номлари бутун мусулмон оламида чуқур эҳтиром билан тилга олинадиган буюк уламолар ва файласуфлар мана шу муқаддас заминда яшаб ижод этганидан ҳақли равишда фахрланамиз. Ўзбекистон ушбу бебаҳо маънавий меросни тиклаш, ўрганиш ва асраб-авайлашга қаратилган изчил сиёсатни амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда анъанавий динлар вакилларининг эътиқод эркинлигини таъминлаш учун Конституция ва қонун билан ҳамма шарт-шароит яратилган ва кафолатланган, деб қатъий айтишга барча асосларимиз бор. Миссионерлик билан шуғулланадиган турли диний оқим ва секталар фаолиятига келсак, Ўзбекистон бу масалада мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардаёқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунининг асосий қоидаларига таяниб иш тутади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон томони АҚШ Давлат департаментининг мамлакатимизни "диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар" деб аталмиш рўйхатга киритиш тўғрисидаги қарори мутлақо асоссиз бўлиб, бу мустақил Ўзбекистоннинг ички ишларига аралашишдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайди.

Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси олдидан

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини киритиш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизнинг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида парламент юқори палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси Абдурашид АЛТИЕВ билан суҳбатлашдик.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК АСОСИ

— Абдурашид Султонович, мамлакатимизнинг бу йилги Давлат бюджети параметларини белгилашда қайси йўналишларга кўпроқ эътибор қаратилган?

— Аввало, таъкидлаш жоизки, 2007 йил учун мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети лойиҳаси давлатимиз раҳбари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳужжатда асосий эътибор солиқ ставкаларининг пасайишига қаратилган. Яъни, 2007 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишларига барқарор иқтисодий ўсишни, иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари ва ҳудудларининг макроиқтисодий ва молиявий жиҳатдан ўзаро мувофиқ бўлишини, аҳолининг турмуш даражасининг ошишини таъминлашга қаратилган стратегик устувор мақсадлар асос қилиб олинган. Ушбу ҳужжат корхоналар ихтиёрида қоладиган ва биринчи навбатда ишчи-ходимларнинг иш ҳақини оширишга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва кенгайтиришга йўналтириладиган даромад ҳажмини кўпайтириш имконини яратиш мақсадида юридик шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ставкасини 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 12 фоиздан 10 фоизгача пасайтиришни кўзда тутмоқда. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва иқтисодий ўсишга қўшадиган ҳиссасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 13 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг ўрта ставкасини 20 фоиздан 18 фоизгача, максимал ставкасини эса 29 фоиздан 25 фоизгача камайтирилишини ўз ичига олмоқда.

— Солиқ ставкаларининг пасайтирилиши Давлат бюджетига салбий таъсир кўрсатмайдими?

— Йўқ. Амалиётдан маълумки, кейинги йилларда солиқ ставкаларининг пасайтирилишига қарамасдан нафақат марказий шаҳарларда, балки республикамизнинг барча ҳудудларида иқтисодий самарадорликка эришилаётгани кузатилмоқда. Шу боис, бу йилги Давлат бюджетида солиқ солиш тизимини максимал даражада бирхиллаштириш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг айрим турларини ҳисоблаш механизми ва тўлаш тартибини соддалаштириш кўзда тутилмоқда. Қолаверса, 2007 йилда назарда тутилган солиқ сиёсатининг натижалари ялпи ички маҳсулотнинг 7,7 фоизга, саноат тармоқлари маҳсулотларининг 7,8 фоизга, инвестициялар ҳажмининг 8,1 фоизга ўсишига, аҳоли реал даромадларининг камида 17,0 фоизга ошишига эришиш учун мустаҳкам асос яратади.

— Маълумки, ҳар йили давлатимизнинг бош молиявий ҳужжатида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилади. Шу ва бошқа йўналишларга бу йилги Давлат бюджетидан қанча маблағ ажратилмоқда? Шу хусусда қисқача изоҳ берсангиз.

— 2007 йилги Давлат бюджетидан ижтимоий-маданий соҳага 54,3 фоиз маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Улар асосан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, кам таъминланган ва болали оилаларга кўмак бериш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда маданият ва спорт ишларини ривожлантиришга йўналтирилади. Маҳаллаларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янада ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича масъулиятларини ҳис қилишлари юзасидан ҳам аниқ йўналишлар белгиланган. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатда аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматлар ва бажариладиган ишларнинг ҳажми ҳамда турларини кескин кўпайтиришга аҳамият берилади.

2007 йилги Давлат бюджетида, шунингдек, умумтаълим мактабларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш, яъни янги мактаблар қуриш, мактаб биноларини капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, чунончи, қишлоқ жойларида ва мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида жойлашган мактаб биноларини капитал ва жорий таъмирлашга сарф қилинадиган маблағлар оширилиши кутилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик учун чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш мақсадида кам қувватли даволаш профилактика муассасаларини қайта ташкил қилиш, тўлиқ қувват билан ишламаётган касалхона ўринларини қисқартириш ва амбулатория-поликлиника ҳамда профилактика хизматларини кўпайтириш орқали қиммат тиббий хизмат турларини қисқартириш назарда тутилмоқда. Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини сақлаш учун ажратилаётган бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида аҳоли жон бошига тўғри келадиган харажат ҳисобидан келиб чиқиб, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш муассасаларини молиялаштириш механизмини жорий этиш тажрибасини давом эттириш таклиф этилмоқда. Шунингдек, 2007 йилдан бошлаб, тажриба тариқасида Бухоро ва Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳрининг айрим туманларидаги умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлари ва касб-ҳунар коллежларини бир бўғинли ҳисобдан тўғри келадиган харажат меъёри асосида молиялаштиришга ўтказиш таклиф этилади.

Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган тадбирлардан бири бюджет ижросининг Газначилик тизимини татбиқ этишни давом эттириш ҳисобланади. 2007 йилда ушбу тизимни Андижон, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида жорий этиш мўлжалланмоқда.

Зиёда АШУРОВА суҳбатлашди.

Қарор ва ижро

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Президентимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўра олиш салоҳияти туфайли, мафкуравий хуружларнинг ёш ва мустақил давлатимизга ўтказиши мумкин бўлган ғоявий-мафкуравий таъсирини олдиндан англаб "Мафкуравий полигон", "Мафкуравий иммунитет" ва "Мафкуравий профилактика" тушунчалари илмий муомалага киритилганини эслатиб ўтиш жоиз. Зеро, Юртбошимизнинг мана бу фикрлари бизни доимо огоҳликка чорлаб туради: "Бугунги замонда «Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир».

Бу тушунчаларнинг моҳияти, жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни қандай?

МИЛЛИЙ ҒОЯ — ТАЯНЧИМИЗ

Шу ҳақда тўхталар эканмиз, энг аввало, мафкуранинг ўзи нима эканлигини тушуниб олишимиз даркор. «Мафкура, бу — жамият аъзоларининг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, элу юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя». (И.А.Каримовнинг "Тафаккур" журнали бош муҳаррири билан бўлган суҳбатидан. 1998 йил)

"Полигон" юнонча – "серқирра" деган маънони англатади. Маълумки, полигон аслида ҳарбий синовлар ўтказиладиган ҳудуд. Мафкуравий полигон эса инсоннинг онгини, унинг қалбини эгаллаш учун қаратилган информацион хуружлар кечаётган кўзга кўринмас ҳудуддир. Ушбу курашларнинг даҳшатли томони шундаки, улар очиқчасига эмас, балки яширин ҳолда кечади. Ҳарбий урушлар орқали муайян ҳудудга, табиий ресурсга, ишчи кучи ёки бошқа моддий бойликка эга бўлиш мумкин, лекин халқнинг иродасини бўйсундириб бўлмайди. Бу урушларнинг замонавий кўриниши эса мафкуравий урушлардир. Мафкуравий урушда онги ва шуури забт этилган инсонлар зомбиларга айланадилар. Ушбу зомбилар ёрдамида нафақат муайян ҳудуд, табиий ресурслар ёки бошқа моддий бойликни қўлга киритиш, балки миллат тарихини, она тилини йўқ қилиб юбориш мумкин. Миллий ғурури бўлмаган халқ эса инқирозга юз тутиши аниқ.

Мафкуравий урушда ғолиб бўлишнинг ягона йўли — бу мафкуравий иммунитетни кучайтириш, мафкуравий профилактикани амалга оширишдир. Бизга маълумки, "иммунитет" тушунчаси тиббиётда организмнинг касалликларга қарши курашиш хусусияти билан изоҳланади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мафкуравий иммунитет (лотинча immunitas – озод бўлиш, қутилиш) шахс мафкураси ҳамда миллат мафкурасининг ўзаро уйғунлиги, ана шу буюк мақсадларни амалга оширишга чин дилдан ишониш, бу йўлда бўладиган ҳар қандай тазйиқларга, қийинчиликларга қарши инсонда шаклланган сабот билан курашиш хусусияти дейишимиз мумкин. Ҳар бир инсон бирон бир ишни бошлашдан олдин ўз олдига мақсад қўяди. Агар у ана шу мақсадига эришиш учун ишонч билан ҳаракат қилса, натижага эришади. Яъники, демократияга асосланган фаровон турмушни бизга биров четдан келиб яратиб бермайди. Бунинг учун авваламбор ҳар биримиздаги ички ишонч ҳисси мафкуравий қурол бўлмоғи лозим.

Ҳозирги кунимизни янги технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. XXI аср инсоният тарихига техника-технологиялар, кашфиётлар асри бўлиб из қолдириши баробарида ушбу техника-технологиялар, кашфиётлар инсониятга нафақат ижобий, балки салбий таъсирини ҳам намоён этмоқда. Ҳар бир яратилаётган техникавий-илмий кашфиётлар инсониятга жисмоний енгиллик яратиши билан бирга маълум бир мафкуравий таъсир кўрсатишга интилмоқда. Оддий кўринган фильмларда ёки компьютер ўйинларида ҳам зўравонлик унсурлари тарғиб қилинаётганлигига, ушбу техника "мўъжиза"ларидан мафкураси етарли шаклланиб улгурмаган ёшларимиз "баҳраманд" бўлаётганлигига беэътибор қолмоқдамиз. Бу ўринда мафкуравий профилактиканинг ҳаётимизда тутган ўрнига тўхталиб ўтиш даркор.

Мафкуравий профилактика ижтимоий институтлар томонидан амалга оширилади. Мавжуд ғоявий бўшлиқни тўлдириш, мафкурага кириб келаётган миллий мафкурамизга ёт ва зарарли бўлган ғоялар таъсиридан миллатдошларни халос этишга қаратилган маданий-маънавий тарғибот ишлари, ташкилий чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Юртимиз дунёқараши ва маънавиятида ислом динининг тутган мустаҳкам ўрнидан фойдаланиб мустақилликка эришгунимизга қадар қорасини ҳам кўрсатмаган исломий "устозларимиз" хаёлий халифатни қайта тиклаш байроғи остида, минтақада диний экстремизм ва фундаментализмни кенг тарқатишга уринмоқдалар, қўпорувчилик ҳаракатларини содир этиб, неча-неча гуноҳсиз халқимиз вакиллари ҳаётига зомин бўлдилар. Масалан, мудҳиш "Андижон воқеалари"ни эсга олсак. Ўзбекистондаги мавжуд демократик тузумни қон тўкиш йўли билан ағдаришга интилган экстремистик кучларнинг қўпорувчилик ҳаракатларини "демократиянинг учқунланиши" деб хаспўшлашга интилаётган кучларнинг асл мақсади давлатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрўсига путур етказишдир. Уни ўз танлаган тараққиёт йўлидан чалғитишга уринишдир. Айрим давлатларнинг ўз манфаатларини кўзлаб амалга ошираётган бундай сиёсий ўйинларини фуқароларимиз, хусусан, ёшларимиз қай даражада англамоқдалар? Афсуски, баъзи бир фуқароларимизда айнан чет эл оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган ахборотларга мойиллик ҳам кўзга ташланади. Халқимизнинг севимли "Келинлар қўзғолони" фильмидаги Фармонбиби таъбири билан айтилганда, "Хўрозқанд чет элики дейилса ётиб олиб ялашади".

Дунёнинг сўнгги мўъжизаларидан бири сифатида эътироф этилаётган Интернет тармоғининг ҳаётимизга жадаллик билан кириб келиши инсонларда энг сўнгги дунё воқеаларидан ўз вақтида хабардор бўлиш имконини, қолаверса, информация олиш эркинлигини вужудга келтирди. Ундан фойдаланувчилар сони ҳам кундан-кунга жадаллик билан ўсиб бормоқда. Бу бир томондан қувонарли ҳол, албатта. Аммо, ушбу тармоқда информация тарқатишни дунё бўйича назорат қилувчи механизм яратилмаганлиги сабабли, тармоқдаги маълумотларни холислик нуқтаи назаридан баҳолаш фуқароларимиздан етук сиёсий онгни, мустақил фикрга эга бўлиш атрофидаги воқеа-ҳодисаларга синчковлик билан ёндашишни талаб қилади.

Техниканинг ушбу ютуқларидан фойдаланувчиларнинг аксарият қисмини сиёсий онги ҳали шаклланиб бўлмаган ёшлар ташкил этгани боис, ҳозирги кунда фуқароларимизда, айниқса, ёшларимизда мафкуравий иммунитетни кучайтириш билан бир қаторда мафкуравий профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш тақозо этилмоқда. Шу сабабли фуқароларимизни, айниқса, ёшларимизни мустақиллик мафкураси билан тарбиялаш, яъни қуроллантириш жуда муҳимдир. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов: "Мен, Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир" деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида милламизи учун қанчалик муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир", деган эди.

Тўғри, бу борада мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида, таълим муассасаларида, аҳоли ўртасида кўплаб тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда. Албатта Ўзбекистонни буюк давлатлар қаторида кўришни истар эканмиз, бунинг учун миллий мафкурамиз турли хил иллатлардан холи бўлмоғи лозим. Бу иш ҳар биримиздан алоҳида масъулликни талаб қилади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, ягона ва самарали йўлдир.

Ғайрат АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот хизмати катта маслаҳатчиси.

«ЯНГИ АВЛОД – 2006»:

ИСТЕЪДОДЛАР ПАРВОЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ умумтаълим мактабларининг қиёфаси тубдан ўзгариб, моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Давлат таълим стандартлари такомиллаштирилиб, замон талабига мос дарсликлар яратилаётир. Айни пайтда ёш авлодга пухта ва мукаммал таълим беришдек масъулиятли жараён ёшлар онги ва қалбига она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини сингдириш, уларни фидойи инсонлар этиб тарбиялаш билан узвийликда олиб борилаётир. Бундай хайрли юмушга турли вазирлик ва муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари, жумладан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ташкил этилганидан буён унчалик кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ушбу жамғарма миллий маданиятимиз ва санъатимизни юртимиз ва хорижда фаол тарғиб этувчи ташкилот сифатида эътибор қозонгани диққатга сазовор. Жамғарма ташаббуси билан ўтказилаётган турли санъат фестиваллари, кўргазма, концерт ҳамда кўрик-танловлар, халқаро симпозиум ва анжуманлар, давра суҳбатлари бунинг далилидир. «Келажак овози», «Навқирон Ўзбекистон» каби фестиваллар юртимиз ёшлари орасида тобора оммалашиб бормоқда.

«Янги авлод» Республика болалар ижодиёти фестивали ҳам ана шундай тадбирлар сирасидан. У болалар ижодиёти борасида эришилган ютуқларни кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш имконини беради.

Уч босқичда ўтказилган мазкур фестивалда юртимизнинг олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган минглаб ўғил-қизлари фортепиано, торли ва дамли чолғуларда ижро, хонандалик (анъанавий, академик ижро ва эстрада), миллий чолғу асбоблар, хореография (миллий, бал, спорт ва замонавий рақс, балет), тасвирий ва амалий санъат, шеърият ва нотиқлик санъати каби йўналишларда ўз маҳоратини тақдим этди. Энг фаол, ёрқин ва бетакрор ижро эгалари фестивалнинг якуний босқичида — катта саҳнада ўтган гала-концертда ўз истеъдодларини намойиш этдилар.

— Фестивалга «Истиқлолинг муборак» қўшиғини дўстим Муҳиддин Мейлиев билан биргаликда тайёрлаб келиб, совринли ўринни эгаллаганимиздан жуда хурсандмиз, — дейди Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 40-нафис санъат мактаби ўқувчиси Артур Озодов. — «Янги авлод — 2006» фестивали биз каби ёшларнинг катта саҳнага чиқишига ёрдам беради. Бизга шундай шароит ва имкониятларни яратиб бераётган Президентимиз Ислом Каримовдан жуда миннатдормиз.

Фестивалнинг энг фаол қатнашчилари ва совриндорларига диплом ва совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.

ДЎСТЛИК МАСКАНИ

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Қорасув шаҳрида очилган божхона ва чегара назорати пости ана шундай хайрли вазифани бажаради.

Ўзбекистон-Қирғизистон чегарасининг бу қисми Шаҳрихонсой дарёсидан ўтади. Илгари икки соҳилни кичкина кўприк боғлаб турарди. Божхона-ўтказиш пункти ҳам йўқ эди. Яқинда бу ерда кўприкни тўлиқ таъмирлаш ва замонавий божхона терминали қуриш ишлари бошланди. "Бинокор" масъулияти чекланган жамияти бош пудратчи бўлди. Қурувчилар бу ишни қисқа муддатда – атиги уч ойда уддалади. 23 ноябрь куни "Қорасув" божхона ва чегара назорати постининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Божхона ва чегара постининг очилишида сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси Т.Топволдиев, Давлат божхона қўмитаси раиси С.Носиров ва бошқалар Президент Ислом Каримовнинг доимий эътибори туфайли мамлакатимиз сарҳадлари мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Бу ишлар, аввало, чегарада хавфсизлик ва тартибни таъминлаш, уни кесиб ўтадиган одамлар учун қулайлик яратиш мақсадида қилинмоқда.

— "Қорасув" маскани энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган,— дейди божхона ва чегара назорати пости бошлиғи Баҳодир Неъматов. — У "Хайман" рентген аппарати, "Кемек" автотарозиси, портал мониторлар ва бошқа зарур асбоблар билан жиҳозланган. Кун давомида постдан 1000 киши ва 1000 тоннагача юк ўтиши мумкин. Юкни кўздан кечириш ва ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилади.

Кўприк энига анча кенгайтирилди ва бу пиёдалар ҳамда автотранспорт учун икки тарафлама қатнаш имконини бермоқда. Терминал ёнида савдо ва маиший хизмат шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

— Кейинги йилларда Қорасув шаҳри аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўп иш қилинди, — дейди "Нуроний" жамғармаси шаҳар бўлими раиси Камолиддин Абдумаматов. — Мустақилликнинг 15 йиллиги номи билан аталган янги мавзе барпо этилди. Бу ерда қурилган 116 та уйга бевосита чегара ёнида жойлашган ҳудуд аҳолиси кўчиб ўтди. Агар аввалги уйлар учун беш гектар ер ажратилган бўлса, янги мавзе 18 гектар майдонни эгаллади.

— Уйлар газлаштирилган, электр, сув ва телефон алоқаси билан таъминланган, — дейди янги уйга кўчиб ўтганлардан бири Абдуманноб Мамажонов. — Кўчиш яна бир воқеага тўғри келиб қолди – янги жойда набирам Муштарийбону туғилди. Имкониятдан фойдаланиб, мамлакатимиз ғамхўрлик ва доимий эътибор учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

"Қорасув" постининг очилиш маросимида Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

С.ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

Анжуман

Кеча Қарши шаҳридаги «Журналистлар уйи»да «Босма оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш» мавзуида республика семинари бўлиб ўтди.

Матбуот ва давр

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган бу анжуманда мамлакат давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, марказий ва ҳудудий босма нашрлар раҳбарлари иштирок этишди.

Семинарда оммавий ахборот воситаларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳақида очиқ мулоқот бўлди. Унинг қатнашчилари таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз тараққиёти учун кенг имкониятлар очилди. Бугунги кунга келиб республикада 900 га яқин газета ва журнал, 4 та ахборот агентлиги фаолият кўрсатаётганлиги ана шу имкониятларнинг маҳсулидир.

Мамлакатимизда юз бераётган кенг кўламли ўзгаришлар оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам ислоҳотлар ўтказиш заруриятини туғдирмоқда. Айни пайтда бу жараён давом этаяпти, миллий ахборот макони шаклланмоқда, унда бозор муносабатлари қарор топмоқда. Давра суҳбатида бозор иқтисодиёти шароитида оммавий ахборот воситалари фаолиятини йўлга қўйиш, босма нашрларнинг жаҳон андозалари даражасига кўтариш билан боғлиқ молиявий ва моддий-техникавий муаммолар, муассис ва таҳририят ўртасидаги муносабат масалалари ҳақида батафсил фикр алмашилди. Маҳаллий газеталар фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги таклиф ва мулоҳазалар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фондининг босма оммавий ахборот воситалари иқтисодий барқарорлигини ошириш ва ўз-ўзини тўлиқ таъминлашга йўналтирилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошираётганлиги мамнуният билан тилга олинди. Семинар доирасида жамғарма эълон қилган «Энг яхши бизнес-лойиҳа» танлови ғолибларига сертификатлар топширилди. «Қашқадарё» газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган «Журналистлар маҳоратини ошириш маркази» эса жамоат фондининг махсус грантига сазовор бўлди.

Семинар қатнашчилари «Қашқадарё» газетаси таҳририяти фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Семинарда вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев иштирок этди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фармон ва ижро

Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш» шўъбаси бошлиғи Обид ҲАСАНОВ билан суҳбатимиз тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш ҳамда назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ижроси хусусида борди.

Текшириш эмас, самарадорлик ҳисоб

— Бу Фармон давлатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири — кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини жадал суръатларда ривожлантиришга йўл очиб берди. Хўш, унинг ижроси қандай самара бераяпти?

— Бу муҳим ҳужжат ҳар бир тадбиркор томонидан қизғин ва катта қониқиш билан қутиб олинди. Негаки, у кўп иш вақтларининг бекор кетиши, турли норозиликлар келиб чиқишининг олдини олишдан ташқари, кичик бизнес субъектларининг иқтисодий ўсиши даражасини ошириб, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадлари ошишида ижобий омил бўлди. Буни бозорларимизнинг мўл ҳамда сифатли маҳсулотлар билан таъминланишида, ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг асосий қисми кичик корхоналар ҳиссасига тўғри келаётганлигида ҳам кўриш мумкин.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссияси мазкур Фармон ижросини таъминлаш бўйича муҳим ва тизимли тадбирларни амалга оширмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан, текширишларни тартибга солиш бўйича Президентимиз томонидан амалиётга жорий этилган янги меъёрлар, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун яратилган енгиллик ва имтиёзларни ҳам солиқчиларга, ҳам солиқ тўловчиларга етказиш борасида кенг кўламли тушунтириш ва профилактик ишлар изчил давом эттирилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида вилоятимизнинг барча ҳудудларида ҳудудий комиссиялар ва назорат органлари томонидан 156 та семинар ва учрашув ташкил этилиб, уларда 22 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Бундан ташқари, вилоят Давлат солиқ бошқармаси, вилоят Давлат санитария-эпидемиология маркази, техника, ёнғин назоратлари, табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси ҳамда вилоят божхона бошқармаси томонидан назорат идораларида тафтиш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар иштирокида махсус семинарлар ўтказилиб, улар тадбиркорлик субъектларини рухсатсиз текширганлик учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрнини қоплаган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги тўғрисида қайта-қайта огоҳлантирилдилар.

— Гап текширишлар сонида эмас, балки самарадорликнинг ошишида. Натижа бермаган, беҳуда вақт олган, одамлар кайфиятини бузган текширишларнинг кимга ва нимага ҳам кераги бор?

— Жуда маъқул гап. Фармон талабларига мувофиқ, шаҳар ва туманлар ҳудудий комиссиялари назорат органлари билан ҳамкорликда 2006 йил текширишлар режажадвалини тузиш давомида ягона ер солиғидан қарздорлиги бўлмаган ва ер тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймаган давлат контрактация шартномасини бажарган 475 та фермер ва деҳқон хўжаликлари назорат органларининг текширишлар режа-лойиҳасидан чиқарилди ва ҳеч шубҳасиз, текширишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайди.

Вилоят назорат органлари томонидан 2006 йилнинг ўтган даври мобайнида хўжалик юритувчи субъектларда 2163 та режали ва режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Бу кўрсаткич бу йил текширишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2237 тага камайганлигини кўрсатади. Натижада текширишларга беҳуда сарфланадиган вақт тежалиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисод қилинган вақтлари ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилди.

Текширишлар сонини камайтириш аниқанаси сақланган ҳолда ўтказилаётган текширишлар самарадорлиги йилдан-йилга ошиб бораётгани кузатилаяпти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган 2163 та текширишнинг 2082 тасида турли хилдаги хато ва камчиликлар аниқланди. Самарадорлик даражаси вилоят бўйича ўртача 96,2 фоизни ташкил қилган. Солиқ органлари ўтказган 771 та текширишдан 761 тасида ёки 99 фоизида хато-камчиликлар аниқланган. Бу кўрсаткич самарадорлик даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,2 фоизга, солиқ органларида эса 10 фоизга ошганлигини кўрсатади.

Назорат органлари томонидан текширишлар белгиланган меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилиши шарт. Уларда, энг аввало, йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш, молиявий-хўжалик фаолиятидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг қонун талаблари асосида фаолият кўрсатиб, иқтисодий ривожланишини таъминлаш кўзда тутилади.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ суҳбатлашди.

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ
МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 2006 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН, ТЎЛОВ МАЖБУРИЯТЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМАГАН ВА МИЖОЗЛАР АЙБИ БИЛАН БАЖАРИЛМАГАН ШАРТНОМАЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бекор қилинган шартномалар бўйича барча шикоятлар 2006 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бўйича МХКМ кредитор қарзлари 2007 йилнинг биринчи чораги давомида қайтарилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ASAKA BANK

PerfectumMobile CDMA Dreams Come True!

SMS-банкинг
ИШБИЛАРМОН ИНСОНЛАР УЧУН МОБИЛ ХИЗМАТИ

Банк сизнинг мобил телефонингизда

SMS-банкинг
қулай
тез
осон

Батафсил маълумотларни қуйидаги рақамлар орқали олишингиз мумкин:
120-82-88, 120-82-82

Хизматлар лицензияга эга.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган

турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Газдевайс» ЁАЖнинг (Россия, Москва) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» русумли, ультратовушли, ўлчанаётган газ ҳароратини автоматик равишда тўғрилайдиган,

замонавий электрон газ ўлчагичларини таклиф этади.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, монтаж қилиш; кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — 1 йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Фарзанд саломатлиги — юрт бадавлатлиги

Бешариқ туманидаги Адиробод қишлоғи нафақат танти деҳқонлари ва уста боғбонлари билан, балки "Она ва бола" сиҳатгоҳи билан ҳам водийда ном таратган.

Таъкидлаш жоизки, замонавий меъморчилик услубида бунёд этилган ушбу шифо масканида бир йўла 120 нафар она ва бола ҳордиқ чиқариши, муолажа олиши мумкин. Айниқса, сиҳатгоҳ ҳудудидаги 2200 метр чуқурликдан чиқаётган шифобахш сув дардмандлар дардига даво бўлмоқда.

Ушбу муассаса шифокорлари ошқозон-ичак, буйрак, ўт пуфаги, шунингдек, болаларда учрайдиган турли юқумли касалликлар билан оғриган беморларни даволаб, улар олқишига сазовор бўлмоқдалар.

СУРАТДА: сиҳатгоҳ шифокори Муҳайё Усмонова даволанувчилар билан суҳбатлашмоқда.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Хотира

Улуғ санъаткор Фаттоҳхон Мамадалиев ҳақида гап кетганда, бу самимий ва софдил инсонни фахр билан тилга оламиз. Боиси, ҳаёти давомида у бировга озор берган ёки кўнглини ранжитган эмас. Ҳаммага яхшилик соғинар, эзгулик илинарди. Дилларга нур улашарди. Бешиқдаги гўдакка қадар сизлаб, суюб муомала қиларди. Каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам кўнглини оларди.

«...Минг шукрким, номим сўроғда»

Маҳалла-кўй, қўни-қўшни, қариндош-уруғнинг севимли отаси, ёру биродар, сон-саноқсиз шогирдларнинг меҳрибон устози эди Фаттоҳхон ака. Санъат аҳли эса у кишининг юксак истеъдоди-ю, баркамол тафаккурига нисбатан ўз эҳтиромини биргина «устоз» сўзига жо этганди.

Аввало, ҳофизни элга танитган нарса унинг бетакрор овози, нола ва қочиримларга тўла қўшиқлари, айни чоғда юксак созандалик маҳорати, бастакорлик иқтидори эди. Фаттоҳхон ака куйлаганда гўё булбуллар хонишдан тўхтарди, қумрилар ҳавас билан тингларди, қўнгиллар сел бўлиб оқарди. Юракнинг тубтубидан сизиб чиққан оҳанглар минглаб юракларни забт этарди. Шунинг учун ҳофизнинг мухлислари сероб, ихлосмандлари мўл эди. Бу чинакам истеъдод соҳиби ўзбек санъатида Мулла Тўйчи ҳофиз, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров каби улкан салафлари қаторида ўзига муносиб ҳайкал қўйиб кетди. Фаттоҳхон ҳофиз куйлаган ва турли овоз ёзиш тасмаларига муҳрланган «Ушшоқ», «Соғиндим», «Оқибат», «Кўнгил» каби мумтоз қўшиқлар ҳали кўп замонлар дилларни ларзага солади, кўнгилларни санъат тилсимларига ошно этади.

Фидойи санъаткорни элга танитган, одамларга яқин қилган, чин маънода халқ ҳофизига айлантирган иккинчи жиҳат унинг ниҳоятда камтар, камсуқум, оқ кўнгил, олижаноб инсон эканлигидадир. Шоиртабиат бу одам давраларнинг файзи, суҳбатларнинг гули эди. У шоир билан шеър хусусида, олим билан илм тўғрисида, файласуф билан дунё ҳақида баҳслаша оладиган кенг тафаккурли, чуқур маънавиятли инсон эди. Бағри кенг, саховатли, мурувватли эдиким, ҳонадони ҳамиша қадрдон дўстлари билан обод бўларди. Ҳабибий, Собир Абдулла, Ориф Алимахсумов каби алломаи замонлар билан бўладиган дилтортар суҳбатлар илму фан, тарих, адабиёт, санъат теграсида бўларди, янги-янги қўшиқлар дунёга келарди.

Фаттоҳхон ака ҳонадони шогирдлар учун ҳам ҳамиша очиқ эди. Исроилжон ва Исмоилжон Ваҳобовлар, Ҳурриият Исроилова, Ҳайдар Йўлдошев, Ҳуршид Ҳасанов, Бобур Йўлдошев, Ўлмас Оллоберганов каби кўплаб санъаткорлар гўзал оҳанглар сиру асроридан воқиф бўлиш йўлларини устоздан ўргандилар. Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистон Давлат Консерваториясидаги фаолияти давомида ўнлаб, юзлаб ёшларни мусиқа санъатининг нозик сирларидан огоҳ этди. Уларни миллатга, халққа муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга интилди.

Ажойиб хислатлар эгаси бўлган Фаттоҳхон аканинг ўғил-қизлари бугун ота изидан бормоқдалар. Чунки санъатга ошуфталик улар шуурида гўдаклик чоғларидан шаклланган. Отасидан санъат сирларини қунт билан ўрганган Иномжон ва Нодирахонлар ўз қўшиқлари билан халқ хизматида. Маъмуржон, Илҳомжон, Шоирахон, Нозимахонлар, санъаткор бўлишмаса ҳам, мусиқани яхши тушунадилар, унинг нозик қирраларини ҳис этадилар.

Ҳофизнинг ҳалол ва камтарона меҳнатлари ўз қадрини топди. Ўзбекистон халқ ҳофизи, мусиқа илмлари профессори унвонларига эришди. Айниқса, Президентимизнинг ҳофиз санъатини қадрлаб, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирлаганини асло ёддан чиқариб бўлмайди. Ҳофиз халқ қалбидан мангуга жой олди. Улуғ санъаткорнинг ўзи таъкидлаганидек: «Минг шукрким, элу юртим ардоғлаб, Фаттоҳхон деб номим доим сўроғда».

Дарвоқе, элим деб, юртим деб яшагувчи, халқнинг юрагига яқин кишиларнинг умри боқийдир!

Маърифат ҚОСИМОВА.

Китоб жавонингизга

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи кейинги пайтларда халқимиз тарихига бағишланган тарихий, илмий ва бадиий асарлар чиқаришда яхши натижаларни қўлга киритмоқда.

Яқинда нашриёт Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Амир Темур чамани» номли китобини чоп этди.



АМИР ТЕМУР ЧАМАНИ

Маълумки, таниқли адиб ва шоир Муҳаммад Али ижодида Амир Темур мавзуси етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Адиб бу мавзуда шеърлар, достон, романлар, драматик асарлар, эссе ва мақолалар яратиб, ўқувчиларимизга тақдим этиб келаяпти. Мазкур китоб айни ана шундай асарлардан жамланди — ундаги асарларни Соҳибқирон мавзуси бирлаштириб туради. Шарқ миниатюраларидан фойдаланиб, полиграфик жиҳатдан юксак савияда нашр қилинган безакли бу китоб уч бўлимдан иборат. «Адлу эҳсон била оламни обод этибмен...» номли биринчи бўлимда ижодкор шеъриятидан намуналар ҳамда 1967 йил ёзилган «Гумбаздаги нур» достонини ўқиймиз.

«Соҳибқирон ташрифи» бўлимига «Сарбадорлар» роман-дилогияси, «Улуғ салтанат» тетралогиясининг «Жаҳонгир Мирзо», «Умаршайх Мирзо» номли дастлабки китобларидан парчалар, шунингдек «Улуғбек Мирзонинг сўнгги куни» пьесаси киритилган. Ўқувчиларга яхши таниш бўлган ушбу бадиий асарларда Амир Темур ва унинг авлодлари ҳаёти қаламга олинган.

Китобнинг «Халқ яратган даҳо» номли сўнгги бўлимида адибнинг Соҳибқирон замони ҳамда авлодларига бағишланган илмий-оммабоп эссе ва мақолалари жамланган. Уларнинг ичида сўнгги маълумотлар асосида ёзилган «Амир Темур чамани» эссеси, «Халқ яратган даҳо», «Соҳибқирон фарзандлари», «Одамийликнинг буюк тимсоли» сингари мақолалар бор. Шунингдек, китобдан адибнинг 1996 йил май ойида Вашингтон университетида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Амир Темур ойлиги»да ҳамда шу йилнинг октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» халқаро конференциясида ўқилган «Амир Темур сиймоси» маърузаси, Америкада чиқадиган «Сентрал Эйша монитор» журналининг 1996 йил 3-сонида босилган «Амир Темур ҳақида сўз» мақоласи ҳам ўрин олган.

Соҳибқирон ҳақидаги ҳақиқатни дунёга ёйиш ва барқарор этишда Президент Ислом Каримов томонидан юртимизда ҳамда жаҳонда олиб борилаётган катта саъй-ҳаракатлардан илҳомланиб ёзилган бу мақолаларда Амир Темур феноменини англаш, Соҳибқирон шахси ва фаолиятини тушуниб етиш бош мақсадлардан ҳисобланади.

Беш минг нусхада чоп этилган ушбу китобга Каримжон Бўронов муҳаррирлик қилган, бадиий безаклар рассом Ҳусан Меҳмонов томонидан амалга оширилган.

Бу китобни ўқинг! У сизни тарихимиз билан ошно этади.

МУХЛИС.

Спорт

Чирчиқ — гимнастрада фестивали мезбони

Жорий йилнинг 25-27 ноябрь кунлари Чирчиқдаги Олимпия заҳиралари коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишлаб Республика гимнастрада фестивали бўлиб ўтади.

Тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий гимнастика федерацияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Гимнастрада — бадиий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трамплин каби гимнастиканинг барча йўналишлари, фольклор, замонавий рақс, фитнес машғулотларини бирлаштирган ўзига хос спорт туридир. У билан ёши ва жинсидан қатъи назар, барча шуғулланиши мумкин. Дунё мамлакатларида тобора оммалашиб бораётган ушбу ўйинлар мажмуи Ўзбекистонда ҳам ўзининг кўплаб ихлосмандларига эга. Мамлакатимиз гимнастрадачилари Германия, Таиланд, Япония каби давлатларда ўтган халқаро фестивалларда фаол иштирок этиб, ўз маҳорат ва тажрибасини оширган.

Чирчиқда ўтажак илк Республика гимнастрада фестивалида эса юртимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 250 нафар иштирокчи ўз маҳоратини намойиш қилади.

Қаҳрамон ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбири.

Эринмаган одамлар



Кўринмас плаш деярли... ҳақиқат

Яқин-яқинларгача эртак ёки фантастик фильмлардаги воқеа-ҳодисаларни амалга ошмайдиган жараён дердик. Вақт ўтган сари бу каби тахминлар ҳақиқатга айланадиганга ўхшайди. Шимолий Каролинанинг Дьюк университети олимлари кўринмайдиган плашни кашф этдилар. Яъни, ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ушбу матс бирор жисмга ўралса, у кўринмайди.

Жорий йилнинг май ойида "кўринмас плаш"ни яратиш учун олимлар камида беш йил кетишини таъкидлагандилар. Бироқ изланишлар натижасида бу кашфиётга беш ой давомида эришилди. Матонинг ишлаш принципи жуда оддий. Мисол учун, бирор учувчи жисмга плаш кийдирилса, унинг тўлқинлари беркитилади. Натижада радар билан ҳам, кўз билан ҳам бу учувчи жисмни кўриб бўлмайди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, мазкур кашфиёт ҳозирдаёқ амалда қўлланиши мумкин. Айни дамда кўринмас плаш билан кўпроқ ҳарбийлар қизиқмоқдалар. Чунки у билан самолёт, танк, ҳатто ҳарбий кемани ҳам беркитса бўлади.

Оёқли дельфин қаерда?

Япон денгизчилари икки жуфт "Афалин" дельфинини тутдилар. Олимларнинг фикрича, бу ғаройиб топилма қуруқликда яшаган тўрт оёқли жониворларнинг аждодлари бўлиши мумкин. Бундай кўринишга эга дельфинлар аввал ҳам учраб турарди. Аммо бунисининг орқа оёқлари яхши ривожланган. Айни пайтда мутахассислар "Афалин"нинг ДНК анализини текшириб, қатор рентгенологик таҳлилларни ўтказмоқчилар. Тахминларга кўра, 50 млн. йил аввал тўрт оёқли дельфинлар ва китлар қуруқликда яшаганлар. Кейин эса сувда ҳаёт кечиришга мослашганлар. Шу сабаб, уларнинг оёқлари сўзгич шаклига келиб, вақт ўтгач, умуман йўқ бўлиб кетган.

Шов-шувли хабар

Кундалик ҳаётда сигарета чекувчи кишилар кўплаб учрайди. Уларни тамаки маҳсулотларидан йироқлаштириш учун ТВда турли роликлар эълон қилинади. Бироқ олимларнинг айтишларича, чекишга қарши кўрсатилаётган роликлар сигареталарга қизиқишни янада ошираётган экан.

Бундай шов-шувли хабар яқинда Австралия ва АҚШлик жамиятшуносларнинг тадқиқотлари натижасида таъкидланди. Улар бу каби роликлар қайтадан ислоҳ этилиши лозимлигини айтдилар. Қилинган хулосалар шуниси билан қизиқки, чекишга қарши роликларнинг ҳар учтадан биттаси сигарета ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар томонидан молиялаштирилар экан.

Дунё матбуоти хабарлари асосида Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Ўзбекистон банклари ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги» МЧЖ

2006 йил 26 декабрь ва 2007 йил 2, 9, 16 январь кунлари соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида аукцион савдоларини ўтказади.

Аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

1. Андижон вилояти, Асака тумани, Мақсудова кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган ва банкрот деб эълон қилинган «ОБИ-НОН» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган «ОБИ-НОН» ОАЖга қарашли бино ва иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 38 035 319 сўм.

2. Андижон вилояти, Асака тумани, Мақсудова кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган ва банкрот деб эълон қилинган «ОБИ-НОН» ОАЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган «ОБИ-НОН» ОАЖга тегишли технологик асбоб-ускуналар ва асосий воситалар.
Бошланғич баҳоси — 467 275 577 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.

356893/2142

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

12348-2486

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ

2006 йил 26 декабрь ҳамда 2007 йил 2 ва 9 январь кунлари соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган «Toshqishloqmash» ОАЖга тегишли қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар, Отчопар кўчаси, 60-уй манзилидаги А, Б, В, Д, Е, Ж, Ж1, З, И, К, Л, М, Н, П блоклардан ташкил топган 8-цех бино ва иншоотлари ҳамда мол-мулклари.
Бошланғич баҳоси — 70 701 000 сўм.
2. Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси, 2-уй манзилидаги «Кулинария» дўкони биноси.
Бошланғич баҳоси — 13 533 351 сўм.
3. Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси, 2-уй манзилидаги шийпон.
Бошланғич баҳоси — 249 444 сўм.
4. Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси, 2-уй манзилидаги 1 қаватли цехнинг 31-механик участкаси биноси ва К-100 объекти.
Бошланғич баҳоси — 44 975 264 сўм.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган «KOINOT VA MAKS» МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 98-«б» уй манзилидаги умумий майдони 300,0 кв.м. бўлган «КОИНОТ» ресторани биноси.
Бошланғич баҳоси — 58 000 000 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини «Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-94.

«Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси»га 2007 йил учун **ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Ахборотнома саҳифаларида йил давомида:

- *хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар фаолияти ҳамда хўжалик ишларини судларда кўриш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари;*
- *Олий хўжалик суди пленуми ва раёсати қарорлари, кассация инстанцияси қарорларидан кўчирмалар;*
- *хўжалик судлари суд амалиёти тафсилотлари;*
- *чет эл арбитраж ва иқтисодий судлари тажрибаси;*
- *қонунчиликни амалиётда қўллашга оид ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари.*

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади. Шунингдек, таҳририят билан тўғридан-тўғри шартнома орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 367-91-66, 367-96-60.

Российский линолеум

Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси институт директори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаевга отаси **МИРЗО бобонинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси компания нефтни қайта ишлаш ва замонавий технологияларни жорий этиш бошқармаси етакчи мутахассиси Марат Байзаковга отаси **Урал КУДАЙКУЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти жамоаси «Тасвирий санъат» бўлими собиқ илмий ходими, санъатшунослик фанлари номзоди **Гулсара Ибрагимовна БОБОЖОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни Топширилди — 23.35 23456